

## TARGET DIRECTION OF PRACTICAL EDUCATION IN THE SPHERE OF LIGHT INDUSTRY

F.A. Kurbonov<sup>1</sup>, R.I. Ismoilova<sup>2</sup>, Sh.O. Ibodullaeva<sup>3</sup>

### *Abstract*

This article discusses the formation of educational goals in organizing practical classes, improving the quality of education through the use of targeted teaching methods in organizing practical vocational training in technical higher educational institutions.

*Key words:* disciplines, light industry, education, practical classes, learning objectives, learning process, higher education.

Ҳозирги кунда педагогиканинг мазмуни ва моҳиятида катта ўзгаришлар юз беряпти, миллий ғояга суянган бу мазмун ва моҳият давлат томонидан тартибга солиниб, шахсларни тарбияламоқда. Таълим жараёнида профессор-ўқитувчи нафақат таълим олаётган талабага ўз билимларини беради, балки унинг олган билимларини педагогик жиҳатдан бошқаради ҳам. Замонавий таълим жараёнини техник ва кўргазмалар воситалар орқали бойитиб боради ҳамда таълим олишнинг фаол шакллари ҳисобланган ўйин ва турли суҳбатлардан кенг фойдаланади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар ривожланиши ҳамда ютуқлари асосида юқори малакали, мустақил қарор қабул қила оладиган, эркин фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш борасида юксак аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Енгил саноат соҳасидаги олий таълим йўналишларида касбга оид кўникма ва малакаларини шакллантиришда амалий машғулотларни сифатли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўқув амалиёти машғулотларини мақсадга мувофиқ йўналтириш услублари қуйида батафсил баён этилган бўлиб, улар: кириш характери; ўрганилаётган мавзунинг аҳамиятини тушунтириш; амалиётдан мисоллар келтириш; маҳсулот намуналарини намойиш қилиш; талабаларга ишонч билдиришдан иборатдир. Ўқув амалиёти машғулотларини мақсадга мувофиқ йўналтириш услубларидан айримларини қуйида изоҳлаб ўтамыз:

- меҳнат усулларини самарали кўрсатиш услублари: ўргатиш усулини алоҳида элементларга бўлиш; суръатни секинлаштириб кўрсатиш; кўрсатмалар воситалар ва техник воситаларни қўллаш; сўз ва кўрсатишнинг оқилона уйғунлиги; идрок қилиш жараёнини йўл-йўлакай назорат қилиб бориш;

- талабаларни фаоллаштиришнинг методик усуллари: эвристик суҳбатни қўллаш; «сермаҳсул» саволлар; талабаларнинг фаол фикрлашини рағбатлантириш; билим ва кўникмалардан ижодий ва мустақил фойдаланишни рағбатлантириш; талабаларни ўзлари шахсан қарор қабул қилишга ўргатиш;

- ёзма йўриқнома ҳужжатларидан фойдаланиш усуллари: ҳужжатларни кириш йўриғи жараёнида қўллаш; талабаларни иш жараёнида ҳужжатлардан мустақил фойдаланишга ўргатиш; технологик ҳужжатларни мустақил ишлаб чиқишга ўргатиш.

- таълим жараёнини индивидуаллаштириш: талабаларнинг мавжуд тажрибаларига мувофиқ ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг қийинлиги ва мураккаблигини тартибга солиш; иқтидорли, изланувчан ва ижодкор

---

<sup>1</sup>Курбонов Фазлиддин Аминович – кандидат технических наук, доцент кафедры «Технологии и оборудования лёгкой промышленности», Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

<sup>2</sup>Исмоилова Робия Исмоиловна – студентка, Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

<sup>3</sup>Ибодуллоева Шохсанам Одилжон кизи – студентка, Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

талабаларга қўшимча топшириқлар бериш; пассив талабаларнинг ишларини якка тартибда назорат қилиш;

- талабаларнинг ўқишдаги муваффақиятини назорат қилиш ва баҳолаш: назоратнинг узлуксизлиги; жорий кузатиш билан талабалар ишларини назорат қилишнинг муштарақлиги; талабалар ишини жараёнлараро назорат қилиш; талабаларнинг ўзаро назорати; амалий касбий таълим профессор-ўқитувчисининг амалий топшириқни баҳолаш мезонлари; талабаларни баҳолашнинг ҳолислиги ва ҳаққонийлиги;

- амалий касбий таълим профессор-ўқитувчисининг педагогик иш услуби: дарсдаги вазият; амалий касбий таълим профессор-ўқитувчисининг гуруҳни бошқариш кўникмаси; талабаларнинг дарсдаги умумий кайфияти ва амалий касбий таълим профессор-ўқитувчисига муносабати; энг кўп ишлатиладиган методлар ва методик усулларнинг тавсифи;

- амалий касбий таълим профессор-ўқитувчисининг педагогик назокати: талабалар билан мулоқот оҳанги: тартиб-интизомга оид танбеҳнинг таъсирчанлиги; ишонтира олиш кўникмаси; гуруҳ ва жамоа билан ишлай олиш кўникмаси; талабаларнинг хато ва камчиликларини тўғрилаш характери;

- амалий касбий таълим профессор-ўқитувчисининг педагогик техникаси: нутқ техникаси; таълимнинг турли воситалардан фойдаланиш кўникмасини эгаллаганлиги; вақтдан оқилона фойдаланиши; қарор қабул қилишининг тезлиги; дарсда ўзини тутиши.

Демак, амалий касбий таълимни ташкил этишда юқоридаги ўқув амалиёти машғулотларини мақсадга мувофиқ йўналтириш услубларини қўллаш орқали таълим сифатини ошириш, ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлаб, янгиликлар яратиб бориб, ўзини йиллар давомида оқлаган қимматли тажрибаларни кенг қўллаш орқали кўзланган натижаларга эришиш, жамиятимиз кутган баркамол инсонлар – етук мутахассисларни тарбиялашимиз мумкин.

#### *Список литературы*

1. Todzhibaev Z. Double-theard Chain-stitch sewing machine. United States Patent, N 6095069, 2000. – P. 54.
2. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 152 б.
3. <http://www.consultant-textile.com>

© F.A. Kurbonov, R.I. Ismoilova, Sh.O. Ibodullaeva, 2019